

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 2 СЎМ



«ТОЙ-ТОЙ» БУЛДИ!

Суратчи: А. ТЎРАЕВ

БУ СОНДА:

ЮСУФ ЗИЁД:
«МУҲАББАТНИНГ
УЙИГА
ЎТ ТУШСИН!»

КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:

ЕТМИШ ЕШЛИ
ҚИЗ-БУВИ
БИЛАН СУҲБАТ

«УЙДА ТУҒСАК
МАЙЛИМИ?»

ЖАМҒАРМА



ФАОЛИЯТИДАН

Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳридаги умумий таълим мактаб интернатида 185 нафар қаровчисиз бола тарбияланмоқда. Ҳозирги иқтисодий қийин аҳволда ҳам улар жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Бу даргоҳда таълим ва тарбия топаётган дили ўқиклар болалар жамғармаси вилоят бўлимининг жамоаси, ҳамда раҳбари А. Музаффаровдан бениҳоя хурсанд.

Интернатдаги гўдакларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун озгина бўлса-да кўмак бериш умидида, жамғарма жамоаси 5 минг сўм пул ўтказди. Шунингдек, 5 минг 940 сўмлик кийим-кечак ҳада қилди.

Яқинда мактаб-интернатнинг ташкил топганига 70 йил тўлади. Бу даргоҳнинг раҳбари Беҳзод Билолов ҳам шу ернинг ўзида тарбияланиб, вояга етган. 14 ёшлигидан буён у инсоннинг ҳаёти, тақдири шу даргоҳ билан боғланиб келмоқда.

— Аввало, бола етим қолмасин, етимликнинг нелигини биз биламиз,— дейди у.— Бироқ савобталаб, саховатпеша инсонлар бор экан етимлар хор бўлмайди.

30(48) «Оила ва жамият»

ЕТТИ КУН

ТЕМУРХОННИНГ ИЗДОШИ

Икки ярим яшар Темурхоннинг «Қуръон» тивовати беллашувида ғолиб чиқиши унинг қаршилиқ Азиза исмли тенгдошини ҳам тўлқинлантириб юборди. Қизалоқ шу кунларда табаррук китобдан оятлар ёдлаш билан бирга... фаранг тилини ҳам кунт билан ўрганмоқда.

«РАҲМАТ, ЧОЙШАБ КЕРАК ЭМАС!»

Бу жавоб поездда сафарга чиққанларнинг қулоғига тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Сабаби жуда оддий: поезд чипталари билан бирга чойшаб, ёстиқ жилдлар ҳам қимматлаб, 20, 30 сўм-га чиқди.

КАРАМ ШҮРВА БЕПУЛ

Избосканлик журналист-фермерлар Йўлдошмирзо Исоқжонов ва Қўлдошбой Ҳожиматов тумандаги болалар оромгоҳлари учун ўзлари етиштирган 3 тонна карамни тортиқ этишди.

ҲАКАМ — ҲОКИМЛИК

Хоразмда гўзаллар танлови бўлиб ўтди. Кириш чиптаси икки юз сўм бўлишига қарамай гўзаллик ихлосмандлари вилоят театрини тўлдириб ўлтиришди. Танловга ҳатто Вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳам ташриф бўюришди.

ЖУГАШВИЛИЛАР

Шовотлик ўн саккиз яшар Жугашвили Солаев ҳамқишлоғининг сигирини ўғирлаб, қўлга тушди. Уғри йигитнинг отаси унга ўзи сўйган «қахрамон» — Сталиннинг шарифини қўйганди.

БОБУР МИРЗО ВАТАНГА ҚАЙТДИ!

Бобур Мирзо қадамжолари бўйлаб сафарга чиққан экспедиция аъзолари Ватинимизга қайтди. Зиёратлари кўтлуг келиб, сафар иштирокчиларига улуг ҳаж маросимларини бажо этиш бахти ҳам насиб қилди. Улар Қўбудан Бобур Мирзонинг табаррук ҳокимни келтиришди. Бобур Мирзо Ватанга қайтди!

БИНОЙДЕК БЎЛДИ

Жиззах вилояти Пахтакор шаҳри дўконларида идиш-товоқлар анча кўпайиб қолди. Чунки, шаҳар бозоридаги устхонада тешилган темир идишлар таъмирлана бошлади. 40 литрли ўйиқ сирли кастрюлька пайвандланган эди, бинойидек бўлиб қолди, деб хабар беради мухбиримиз.

Бир куни

«КУЁВНИ КЎРГАНМИ-
САН ЎЗИНГ?!»

Наманганнинг Учқўргони билан Ҳаққулбоднинг ўртасида Тўғай қишлоғи бор. Бу ерлик қариялар тракторчи Исмоил полвонни яхши эслашади.

— Тракторнинг ёлдирагини алмаштиргиси келса, икки қўшнисини қақириб, елкасига чопонини ташлаб, орқа томондан кириб даст кўтариб турарди.

Онаси озгин бўлса-да бўйдор аёл, анча-мунча дарвозадан энкайиб киради. Уларнинг боласи полвон бўлмай, ким полвон бўларди?

Шу оиланинг фарзанди — Зокиржон уйланадиган бўлиб қолди. Езёвонлик Ширмоной исмли қизга кўнгил қўйиб, совчи юборди. Совчилар иккинчи боришда оқ кийиб, нон синдириб келишибди. Энди фотиҳа тўйи, кўёвга сарпо қилиш керак. Бу томон эса келинга сарпо тайёрлайди. Ширмоной қирқ олти ўлчамли уст-бош, ўттиз етти оёқ кийими кияр экан. Зокиржон ҳам ёзиб бериб юборибди: олтмиш — дўп-

пи, олтмиш костюм, қирқ етти ярим туфли.

Қайнота бўлмиш ҳам биринчи қиз узатиши экан, индамай қоғозни олиб, Марғилон бозорига жўнабди. Автобусдан тушиб, олдин оёқ кийими дўконига кирибди-да, сотувчи қиздан илтимос қилибди:

— Қизим, шу қоғозга ёзилган ўлчамли туپли топиб берсангиз!

Езувга қараб туриб: — Тоғажон, буним ким кияди? — деб сўрабди кўзлари катта бўлиб кетган сотувчи қиз.

— Нима эди?

— Қирқ етти ярим, салкам ярим метр дегани бу! Қуда тоға индамай қоғозни қайтариб олибди-ю, қишлоққа қайтибди.

— Ҳой, хотин! Сен ўзинг кўёвни кўрганмисан? Агар қизимга бир нарса бўлса, сени ҳам соғ қўймайман!

Мана шунақа хангомалар билан уйланган эди дўстимиз. Лекин ўғли биз уйлагандек полвон чиқмади-да... Турсун Али Мухаммад

Хат

Кейинги вақтларда миллий қадриятларимиз топталаётганлиги, ўзгалар таъсирига тушиб қолаётганлигимиз бот-бот тилга олинмоқда. Айниқса, ёшларнинг хатти-ҳаракатлари, одоби, ахлоқи ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилмоқда. Шу жиҳатдан, йигит-қизларимиз овруपालашиб кетди, деган фикрга қўшилмайман. Айниқса, сўнгги йилларда уларнинг динга, ислом ақидаларига қизиқаётганлиги кишини севинтиради. Бироқ гуруч ичидаги курмадек, енгил-елпи ҳаётга мойил ёшларимиз ҳам учраб туради. Ўшалар таъсирида ажрашаётган оилалар, етим болалар кўпаймоқдаки, бу албатта, ачинарли ҳол.

Ҳозир кундек равшан бўлиб қолди: оилада қадимги ота-боболаримиз уйдумларига риоя этсак, асло ютқизмаймиз. Муқаддас китобларда битилган қондалар, ўғитларга амал қилсак, хонадонимиздан файзу барака аримайди. Шунинг учун ҳам ҳали ёшларимизда сақланиб қолган миллий туйғунини кучайтириш лозим.

Бу эса ўқиш-ўқитиш ишларини яхши йўлга қўймасдан амалга ошмайди. Токи, дарсликларимиз, мактаб дастурлари бутунлай янги, миллий руҳда қайтадан ёзилган бўлмоғи лозим. Алифбодан то юқори синф дарсликларигача диний ўғитларга кенг ўрин берилса, бола асосан ислом руҳи асосида тарбияланса, эски яраларимизга малҳам бўлиши мумкин. Қадимда ажойиб дарсликларимиз бўлган. Масалан, Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», ёки Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» каби китобларидан ҳозир ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги дарсликларимиз ўқувчиларни атайлаб жалғитиш мақсадида тузилганга ўхшайди. Зиммамиздаги имкониятдан фойдаланишга ҳали вақт бор. Кеч бўлмасдан туриб, шу фурсатдан фойдаланайлик.

Талъат ҒАФҒОРОВА,
педагогика фанлари номзоди



ХАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ!

КИМ
УРИШАДИ?

Гавжум шаҳар кўчаси аро секин қадам ташларканман кўзим беихтиёр катта йўлнинг ўртасида тариқ доналаридек сочилиб ётган нон ушоқларига тушди. Савлатдор бекавча-ю хонимчаларнинг баланд ва ҳайбатли пошналари остида эзилиб, уваланиб кетган нон ушоқларига.

Во ажаб, дея атрофга боқаман. Атроф тўла одам. Лекин ҳеч кимнинг ерда ётган нон ушоқлари билан

иши йўқ. Сочилиб ётган нон ушоқларини кўришмаётгандек. Кўрганлар ҳам эгилишни истамайди — гуёки қозик ютиб олишгандек. Ҳеч ким оёқлари остига боқмайди. Ҳамманинг кўзи осмонда. Беихтиёр ўйга толаман. Қачонгача осмонга қараймиз?

Бу иллат бизни қачон тарк этади? Бизни шу кўйларга солган шу иллат эмасми?! Мана шу иллат эмасми бизни инқироз деб аталган жерга қулатган?!

Қишлоғимизда дастурхондаги нон тескари ўгирилиб қолса, ўнгариб қўйишади. Нон ушоғи ерга ту-

шиб кетгудек бўлса, ўпиб, тавов қилиб бир четга олишади.

Нега бугунги кунда халқимизнинг шу ва шунга ўхшаган уйдумлари инқирозга юз тутмоқда?

Нега?

Ешлигимизда йиқилиб қолсам ёхуд бирор нарсани қўққисдан тепиб ўтсам онам: «Ҳе, осмонга қарамай кет», — деб уришардилар. Бу одамларни ким уришади? Нон ушоқларини босиб ўтаётган одамларни?!

Олим ҲАНИТ
ўқувчи.

Расмий маълумотларга қараганда, собиқ шўро давлати шифокорлари кўпчилиги билан ҳам олдинги ўринлардан бирини эгалларкан. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, 58 миллион аҳолиси бўлган Туркиянинг 23 минг, 21 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистоннинг эса 70 минг нафар врач бор. Бунга ҳали бир йиллик, олти ойлик тиббиёт курсларини битириб, «уқол қазийдиган духтир» бўлган сон-саноксиз хотин-қизларимиз қирмайди. Сурхондарё вилоятида 1 миллион 400 минг аҳоли яшайпти ҳозир. Шунча аҳолига 3312 нафар врач хизмат қилаётир. Ҳамширалар бу ҳисобда йўқ. Айни пайтда вилоятда битта тиббиёт билим юрти, учта ҳамширалар тайёрлаш курслари фаол ишлаб турибди. Улардан ҳар йили гурас-гурас дипломли духтирлар етишиб чиқмоқда. Бошқа ҳамма ердаги каби сурхондарёликлар ҳам тўрт кўз тугал, жон омон бўлсин, дейишади. Шунинг учунми, кўпчилик хонадонларнинг соҳиблари «ўзи ҳар бир уйда битта духтир бўлиши керак экан», деган шior билан яшайптилар десам хафа бўлишмас. Аслида бунинг нимаси ёмон — ахир, хонадонингизда бир киши тиббиётга алоқадор бўлса! Духтир деб бошқага алинмайсиз, бошқа ерга чопмайсиз.

Лекин мени бу ўринда бошқа бир нарсга қаттиқ ташвишга солиди. Ўзбекистоннинг бошқа ерида қандай билмадим, аммо сурхондарёликларнинг муайян қисми «исталган одамни ўқитиб духтир қилиш мумкин» деган фикрга қаттиқ ишонишади. Ана шу фикрга ихлос қилиш оқибатида тиббиётга умуман ўқувсиз кўпдан-кўп қизлар «оқ халатли шифокор» бўлаётганини кузатиш мумкин. Рўпарангиздан гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтаётган оқ халатли шифокорларни кўриб, «ҳали буларнинг катта қисми кўплаб болаларнинг, ҳомиладор аёлларнинг, фуқароларнинг ҳаётини хавф остига қўйсалар керак», деган даҳшатли ҳаёл бошингиз узра қора қуюндек айланаверади. Яна бир иштибоҳ ҳам йўқ эмас: малакасиз, ўқувсиз оқ халат соҳибларининг сони кескин ошиб кетган бир пайтда ҳокимиятда мустаҳкам ўрин тутган, пулдор ва яна балки... муштумзўр одамлар (агар истаса-

лар) хоҳлаган ерда тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш курслари очиб юборишга ҳам қўрблари етади. Натижада «духтир қизлар» худди жўжа очирини цехларидаги каби гурас-гурас бўлиб чиқишаверади... Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, биз саломатлигимизни, вужудимизда кечадиган турли-туман руҳий ва жисмоний ҳолатларни шифокорларнинг ҳукмига ташлаб қўйганимизга неча ўн йиллар бўлди. Бу борада халқ табobati қарийб унутилди, наинки унутилди, балки бундан хабардор бўлганлар қатагон қилинди, бунга амал қилганларга ҳам таъйик ўтказилди. Биз тўрт мучамиз соғомон бўлиши учун, деярли, курашмай қўйдик. Курашиб нима керак: дори-дармон бор, даволаш бепул. (Амалда эмас, расман бепул!)

эҳтиёжга айлансин. Иш жараёнида ўзаро рақобат бўлсин.

...Биз жисмонан нимжонмиз, овқатланишимизнинг мазаси йўқ, деган гаплар бўлмаган гаплар! Тўғри, бизнинг саломатлигимиз жуда заиф, аммо биз ана шу саломатлигимизни яхшилаш учун ҳеч нарсга қилмаймиз. Масалан, амриқоликларни олинг. Биласизми, улар ўзларига қанчалар эътибор берадилар! Улар ҳар кун тонг азонда югурадилар, шакарни оғзиларига ҳам олмайдилар, чекмайдилар.

Ёғи олинган сут ёғи олинмаганидан кўра икки баравар қиммат туради. Бизда-чи? Агар илжойи бўлса эди, ҳар кун тўйиб-тўйиб қаймоқ еган бўлардики! Бизда «мен заифман», деб гапириш одат тусига кийиб қолган. Биз қақа пуллик иш

далар. Улар тақдир — пешонада бори шу деб кетаётирлар. Хусусан бизнинг ўзбеклар — колхўз-совхўздан оладиган, азалдан олиб келаётган арзимас «чой пули» га қаноат қилиб келадилар. Ҳовлининг олдидаги 20—30 сўтих томорқа қарийб, «чўли» бўлиб ётади. Эксалар, бир марта макками, арпами экиб оладилар. Рўзгордаги катта-кичик далага йўл олади, ҳаммасининг топгани бир рўзгорнинг тўкилиги учун эмас, балки базўр кун кечириши учун етади, холос. Дастурхонда нон, агар дўкончи

берса, озгина шакар бўлади. Топган пулларига бозордан қимматга ширин мевалар, полиз маҳсулотларини харид қиладилар. Лекин ўзлари экиб, кўкартиришга бўйинларини ёр бермайдилар. Уларнинг ҳаёт кечириш тарзи бундан ўн йил бурун қандай бўлган бўлса, ҳозир, шу йил бориб кўринг — худди аввалгидек бўлади.

Неча ўн йиллар мустабидлар учун ишлаган, инон-ихтиёри ўзида бўлмаган, ташаббус-тадбиркорлиги аллақачон тўнглаб қолган, етакка мойил одамларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, вужудини ҳар кун чиниқтириш учун вақт ажратиш, ҳатто, ҳаёлларига ҳам келмайди. Танбал вужуд, танбал рух, танбал ҳаёллар уларни яна ҳам фаолиятсизлик қомига тортаётгандек туюлади. Балки шунинг учун ҳам, илгор мамлакатлардан келаётган одамларнинг, ишбилармон, корчалонларнинг фикр-мулоҳазаларини кўп ҳолларда одамларимиз қабул қилишлари қийин бўлаётир.

...Дунё кун сайин ўзгариб борапти, айрим давлатлар биздан юз йиллар илгарилаб кетишди. Алам қилади, лекин аламини ичга ютиб, бир ерда депсиниб бўладими? Истайсиз: танбал вужуд уйғониб, танбал ҳаёллар чекинса-да, бизнинг одамлар ҳам имонининг қомил, вужуднинг басаломат ва қолаверса дастурхоннинг обод бўлиши учун тадбир топсалар. Лекин энг аввало, бир сесканиб, уйғонмоқ керак...

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ
Сурхондарё вилояти.

ТАНБАЛ ВУЖУД, УЙҒОН, УЙҒОНГИЛ!

Масаланинг учинчи бир жиҳати ҳам бор. Ўз тансиҳатлигимиз учун, деярли, ҳеч бир иш қилмаймиз. Баногоҳ вужудимизга дард ёпишса, духтир излаймиз, турли шифохоналарга борамиз, ана шу йўлда бор-будимизни бой берамиз. Шу ўринда ҳозир етмиш саккиз ёшга кирган машҳур жарроҳ, академик Николай Амосовнинг мулоҳазаларини эслаш фойдадан ҳоли бўлмас. (Дарвоқе, Амосов иши кўп бўлишига қарамастан, ҳаммаша эрталаб туради, югуради, бадантарбия билан шуғулланади. Уни кўрганларнинг айтишларига қараганда, у шу кекса ёшида худди кутилмаганда қариган болага ўхшаркан. (Кекса академик ҳозир ҳафтасига бир марта операцияга қиради. Юракка сунъий клапанлар тикади. У шундай дейди: «...Социализмнинг даҳшатли ишларидан бири шуки, у одамларимизни ишладан бегона қилди. Ишлаганга мажбур қилиш керак. Йўқ, «мажбур қилиш» дегани куч ишлатиш зўрлик дегани бўлади. Яъни тузум шундай бўлиши керакки, ишлаш

қилишимиз биланоқ «чарчадим!» деб бақирамиз. Мен амриқолик шифокорларнинг қандай ишлашларини яхши билман. Улар бизнинг жарроҳларга қараганда операцияларни уч марта кўп қиладилар. Ишга эрталаб соат 6 дан келиб, кечқурун соат 9-10 ларда қайтадилар. Улар ҳам чарчайдиларми? Албатта, чарчайдилар. Лекин уларнинг вужудлари чиниққанлиги учун ҳам бундай тартибда ишлаш одатдаги ҳол саналади».

Уларда ақл-идроқ, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракат қилса, бизда буйруқбозлик, фармонбардорлик, қоғозбозлик ташаббускор бўлди. Лекин шуларнинг барисига қарамастан, битта улўғ ҳақиқат билан ҳисоблашмоқ керак: инсонда курашчанлик туйғуси борку! Тўғри, Амосов айтганидек, социализм одамларнинг ишдан ҳарсаласини пир қилди. Одамларимиз бамисоли тақдир қайғида қалқанга ётиб олиб, оқим олиб бораётган томонга қараб кетмоқ

МАҲБУБА

Мен унга сингил ҳам, дўст ҳам эмасман, аммо ўртаимизда жудаям яқин ришта бор. Иسمى — Маҳбуба! Яхши ниятлар билан Бухоро вилояти, Пешку туманига қарашли Чиқирчи қишлоғидан Тошкентга келган. Тиббиёт олийгоҳи талабаси, муҳими Худо деган қиз, 24 «кўйлакни» йиртган...

Тошкентга қишлоқлардан жуда кўплаб қизлар ўқишга келишди ва қисқа вақт ичида инкубатордан чиққан жўжалардек бир хил қиёфага кириб, шаҳар ҳаётига мослашди. Кўплари йигитлар билан «дўстлашиш»га ҳам улғуришди, Маҳбуба эса тўрт йилдан бери бирор йигит билан «дўстлашмаган», бирор марта бўлса ҳам, улар билан кинога тушмаган. Ғийбат қилишни, ёлғон гапиришни билмайди.

Аваллига шунчаки юртдош бўлганлигимиз учун саломалик қиларди. Кўпроқ унга ҳавасим келарди, жуда гўзал қиз. Сўхбатларимиз қизларнинг одатий ғийбатларидан бошқача бўларди. Етоқхонада аксарият қиз-

лар ота-онасининг оддий одамлигидан номус қилади, яқинда биттаси «отам райқомда ишлайди», деб кўпчиликни алдади. Ваҳоланки отаси шофёр эди. «Шунақалар ори келиб ота-онасининг касбини яширишганда жуда унғайсиз аҳволга тушаман», дейди Маҳбуба.

Шифокор бўлиш мақсадида йўл олганида баъзи ҳамюртлари: «Тракторчининг қизидан ҳам врач чиқади», дейишган эди. У ўша тракторчи отасини соғинади, узокроқ вақт дийдорлаша олмаси ичкади. Оилалари — 10 жон. Оиланинг ҳаёти — меҳнат, меҳнат, меҳнатдан иборат. Оталарининг ягона мақсади — уларни ҳеч қимдан кам қилмаслик. Ўша камсуқум отанинг юзини бундан анча йил бурун Маҳбубадан катта қизи ерга қаратиб кетган эди.

Отасининг юзини ёруғ қилиш, кўксини кўтариш Маҳбубанинг ягона тилаги. У ана шу тилак билан яшайди. Мен эса ишонаман: Маҳбубанинг нияти албатта ижобат бўлади!

Сурайё ЗОҲИР.



Суратчи: Ҳ. СОЛИҲОВ

ЧОЙХОНАЧИ

«МУҲАББАТНИНГ

...Уттига кирганимга, очиги ишонгим келмайди. Баъзи тенгдошларимнинг фарзандлари мактабга қатнайдиغان бўлиб қолишган. Мен эса ҳамон бўйдоқман. Такаббурлигим боисли, олифталигимми, ишқилиб, танлай-танлай ўзимга мос қизни учратмадим. Кўнглим майл этган қизларнинг ҳам нимасидир ёқмай қоларди. Уларнинг ҳаммасида дағаллик, кўрслик, жасаликка ўхшаш нимадир шундоққина кўриниб турарди назаримда. Ҳатто нозу-карашмалари ҳам гашилни келтирарди. Балки ўзимни жуда катта олаётгандирман, лекин бу бор гаплар.

Мен шу пайтгача меҳр излаб, шундайга йўлиқдимки, эндиликда ушбу меҳрнинг азобидан қийналаётирман. Муҳаббатсиз, меҳри тош одамларга ҳавас қиламан бугун.

Қанийди, ўтган умрим қайтсайдими. Уша-ўша, муҳаббатсиз, ҳиссиз одамга айлана қолсайдим. Энг яқин кишиларим ҳам мени йўлдан қайтара олмадилар. Сўнгра жинни дея, мазах қилишди, устимдан қулишди.

Менинг ишқим тушган, менга меҳрини беролган у аёлнинг оиласи, фарзанди бор. Эри билан ҳам муносабатимиз яхши эди. Уларникига тез-тез чиқиб турардим. Боласини ўйнатардим. У ҳам менга жуда ўрганиб қолган эди. Бора-бора эрининг уйда бўлмаслигини пойлайдиган бўлдим. Ўз жуфти ҳалолига хиёнат қилиб, менга меҳр кўргазган у аёлни кўриб қанчалик нафратлансам, кўрмасам баттар эзилардим. Совға-саломларим уни кўпроқ ром этса керак деб ўйлардим. Йўқ, ўзим ҳам керак эканман. Агар мана шуни муҳаббат деб атайдиган бўлсак, уйига ўт тушсин, дейман ундай муҳаббатнинг. Ётиш-туришимда ҳаловат йўқ. Ишда ҳам фақат уни ўйламан. Куннинг тезроқ ўтишини интизорлик билан кутаман. Дунёни сув босса эрининг тўпига ҳам чиқмасди. Шунчалар лоқайд, бефарқ эдикки, ҳатто нима деб аташга тил ожиз. Менинг хатти-ҳаракатимдан у беҳабар бўлиши мумкин эмас эди, билишимча, ниманидир сезарди. Бироқ ундаги номус, ғурур, виждон деган тушунчалар аллақачон ўлиб кетган, гўё ҳамма нарса унга барибирдек эди. Шўрлик аёл менга нуқул одам суратидаги бу... дан шикоят қилар, у билан кечаётган ҳаётига афсусланиб йилларди. Мен қанчалик айбдор, гуноҳкор, хиёнаткор бўлмай, лекин ўзимни ўша кимсадан анчайин устун қўярдим. Шу даражага етдимки, ҳатто ундан хотинини рашк қиладиган, қизғонадиган бўлдим. Ҳайф дердим сендай эркакка...

Улар илгари келишолмасдан анча вақтгача алоҳида яшашган. Ушанда ҳам эрининг латталиги, бебурдлиги сабаб бўлган, албатта. Мана бир йилдирки яна бирга. Бироқ ҳар куни жанжал-тўполон. Ўртада бечора болага қийин. Унга ота-онадан кўра мен азизроқ. Мени кўрди дегунча югуради, бўйнимдан қучиб эркалайди. Фақат дада демайди, холос. Мен у жу-

вонга уйланишга аҳд қилдим. Майли ота-онам, дўсту ёрларим олдида ким бўлмай, бироқ аҳдим қатъий эди. Ҳатто ийгитлик ғуруримни, инсоний қадримни унинг учун поймол қилишга рози эдим. Ниятимни унга айтганимда, албатта, уришиб берди. Ҳақоратли сўзлар билан ҳайдади. Қорамни бошқа кўрсатмаслигимни маслаҳат қилди. Шунда (балки ҳаётимда биринчи мартадир) ўзимни ниҳоятда ғариб, нотавон, бечора, мискин бир аҳволда кўрсатув эрдим. Миямга ҳар хил беъмаъни фикрлар кела бошлади. Ҳаётда, умуман, ортиқчаман, деган қарорга кел-

Оқибат ҳар қандай эзгу ҳислардан нафсоний хоҳиш устун келди. Эрининг бебурдлиги ва меҳрсизлигини рўқач қилувчи, хиёнаткор аёл билан ўзга оиладан бахтини топтоқчи бўлган йигитнинг истиаги қолиб келди. Аёл эрини ташлаб кетди. Мен гўё мақсадга эришган эдим. Энди ният унга уйланиш. Мана шу ниятим сабаб энг яқин дўстларим мендан юз ўгиришди. Айтишмаган танбех, эшитмаган ҳақоратларим қолмади. Бари мен учун аҳамиятсиз эди. Бола баҳона уларникига боришни қанда қилмасдим. Бу шундай оддий ҳолга айланиб қолган эдикки,

Ундаги буюмпарастликни ҳамма аёлларда бўладиган «касаллик»ка йўйиб фақат ижобий томонларини кўрардим. Баъзан унинг учун бирор нарса олишга иккилансам, «зиқналигим»дан ўзим уялиб кетардим. Дунёдаги барча нарсани унга муҳайё этсам деган ўй билан яшардим. Дўстлару, таниш-билишлар даврасида ортирган обрўимни, мавқеимни ҳам унинг учун қурбон қилишга тайёр эдим. Шунчалар озиб тўзиб кетган эдимки, кўрганлар, албатта касал бўлса керак, деб ўйлаши табиий эди. Бундан ташқари, табиатимда ҳам ўзгариш пайдо бўлди.

гарчи энг яқин ўртоғим бўлса-да, ундан нафратландим, тилимга келган ҳақоратли сўзлар билан «сийладим», уни. Дунё кўзимга тор келди. Бироқ ишонмадим. Чунки бундай бўлиши мумкин эмас эди, назаримда. Ҳа, фақат назаримда...

Аммо, минг афсуслар бўлсинки, ҳеч қанча вақт ўтмасдан ўзим гувоҳи бўлдим... Энди ишонмасликнинг иложи йўқ, тан олиш эса даҳшат эди. Бу вақтга келиб на бир ишонган кишим, на бир маслаҳатгўйим қолмаганди. Фақат алам, нафрат ва пушаймонгина ҳамроҳим бўлди, холос. Умримни, соғ-

УЙИГА ЎТ ТУШСИН!»

гандим... Шундай бўлса-да, рашиким сира пасаймас ва мана шу рашиким ўшага ундарди. Билсам уни ўлимдан ҳам яхши кўрар эканман.

Уша бир ҳафта қандай ўтганини эсласам, ҳануз этим зирқрайди. Шу қисқа вақт ичида жуда кўп нарсаним йўқотдим. Ютганим тамаки тутуну-ю, қўсганим зардоб бўлди.

Ҳар ҳолда гуноҳ билан савобини фарқлашга ақлим етарди. Шундай бўлса-да, ҳайвоний ҳирс яна хиёнат сари етаклар, ўзимни қўлга олишининг сира иложини тополмасдим. Бир куни шундай имкон туғилди: ичимдаги бор гапларни унга қайтадан тўкиб солдим. Энди ҳайдадим, урадим, менга барибир эди. Бу гал уришмади, унга керак эканлигимни аниқ билдим, ишондим. Ниятимиз ҳамоҳанглиги сўниб бораётган умидимни қайтадан алангалатди. Пинҳона учрашувлар яна авж олди. Яна хиёнат у алдовлар измига бўйсунга бошладик. Бундан, айниқса гўдак хурсанд эди. Ўз падаридан кўролмаган меҳрни мен унга аллақачон тортиқ қилиб улгургандим. У менга шу қадар кўникиб қолган эканки, ота-она ҳам кўзига кўринмасди.

Баъзан тунлар ухламасдим, хаёл суриб чиқардим: умримни нега бунча хор этаётман. Жонимни ҳам беришга тайёр турганим — ўша аёл бир кун келиб зор қақшатиб кетмасмикан. Наҳотки шунчалар худбинман?! Не бўлганда ҳам унинг оиласи борку. Айниқса, эрига астойдил ачинардим. Ахир унинг эрлик шаъни, ғурури қаерда қолди?! Наҳотки инсонни суяб турувчи мана шу ҳислатлар ҳеч бир сабабсиз уни тарк этган бўлса?! Тирик экан, юрагида озгина кўр бўлиши керак-ку.

...Булар фақат ёлғизлигимдагина банд этувчи хаёллар. Уни кўрдим дегунча яна эски дардлар хуруж қилар, ҳавойи нафс яна ўз гирдобига тортарди. Ачинини ҳисси нафратга, нафратим қайтадан муҳаббатга айланди.

на унинг ота-онаси, на қўни-қўшнилари мендан шубҳа қилмасди. Ҳаммаси «юрагимнинг тоза»лигига ишонирди. Бир куни бормай қолсам, гўдак бечора, нега келмаяпти, деб тўполон қилар экин.

Хуллас саргузаштимиз узоқ давом этди. Совғасизлом билан борган кунларим у мен очик чеҳра билан кутиб оларди. Шунинг учун нима қилиб бўлса-да унинг кўнглини овлашга интилардим.


Одамови бўлиб қолгандим. Одамлар тўпланган жойга боролмас, фақат ёлғиз ўй суришдангина ҳаловат топардим...

Бир куни ёмон бўлди. Ушанда одам зотидан бутунлай кўнглим қолди. Гўё дунё ғийбатчи, ёлғончи, бировнинг бахтини кўролмайдиган, бузғунчи кимсалардан иборатдек туюлди. Мен сиғиниш даражасигача борган у аёлнинг хуштори бор эмми... Е алҳазар. Бу гапни етказган инсон,

лигимни тикиб хиёнатга йўлиқдим. Ёмон алдандим, ҳа ёмон! Англадим, инсон умри нақадар мураккаб, инсон ақли нақадар ожиз... Афсус...

Бу бир суҳбат асносида эшитганларим. У алданган (балки адашган) инсоннинг қалбида бугун қай туйғу устивор; аламини, нафратми, билмайман. Уни ёмонотлиқ қилиш фикри йўқ, менда. Оқлаш фикри ҳам.

Юсуф ЗИЕД



Суратчи: Ҳ. солиҳов

МУЪЖИЗА!

СИЗ ХУДБИНМИСИЗ!

1. Ер юзидаги барча нарсаларнинг баҳоси бор деб ҳисоблайсизми? Ҳа—1 очко, йўқ—3 очко.

2. Бирор рангини афзал биласизми? Ҳа—2, йўқ—1.

3. Даврадошларингиз сизни яхши кўришадими? Ҳа—1, йўқ—4.

4. Ўз устингиздан кула оласизми? Ҳа—1, йўқ—2.

5. Баҳсларда ён бера оласизми? Ҳа—1, йўқ—2.

6. Кўп гапиришни ёқтира-сизми? Ҳа—2, йўқ—1.

7. Камчилик ёки заифликларингизни бошқалардан яшира оласизми? Ҳа—1, йўқ—3.

8. Берган қарзларингизни ёзиб борасизми? Ҳа—2, йўқ—1.

9. Жамғарма дафтарчаси зарур деб ҳисоблайсизми? Ҳа—1, йўқ—3.

10. Ўзингизни одамларни тушунаман деб ҳисоблайсизми? Ҳа—1, йўқ—3.

Тўплаган очколарингиз 31 очкодан юқори бўлса:

Табиатингиздаги худбинликини яширишининг ҳолати йўқ. Ширингиз: «Аввал ўзим бўлсам, кейин бошқалар». Дўстларингиз йўқлигидан ҳайратланмасе ҳам бўлади.

27 дан 31 гача:

Ўзгаларнинг ташвишига ҳамдардлик туйсангиз дўстларингиз кўп бўларди. Худбин эмассизу, сизда қатъиятлик етишмайд.

20 дан 26 гача:

Демак, ўзгаларга кўмаклашишга доим тайёрсиз. Лекин сизда худбинлик аломатлари бор.

20 дан кам:

Феълнингиз ўта ўзгарувчан. Баъзида ўзингизни ҳақиқий худбинлардек тутасиз, баъзида эса заифликларингиз билан атрофдагиларни ранжитиб қўйишингиз мумкин.

Сизни ёш эканлигингизгина оқлаши мумкин. Кейинчалик ҳар доим оқибатини ўйлаб қадам босишга ўрганишингиз мумкин.

Рустам Мардон



— ҒИШТ ТЕРИШ МАНА БУНАҚА БУЛАДИ

Суратчи: Р. АЛЬБЕКОВ

маслаҳатлар

БЎЛМАСА

Уйда музлатгич бўлмаса, твoрог ва сариеғни шиша ёки чинни идишга ағдариб, қопқоғини зич ёпиб қўйиш керак.

Озиқ-овқатни ёзда кичкина идишга, шиша ёки чинни банкага жойлаб сувли тоғора ичига қўйинг. Идишнинг қопқоғини зич ёпинг, банкаларни эса ҳўл сочиқ билан ўраб, сочиқ учларини сувга тушириб қўйиш ҳам мумкин.

Ёзда, кузда ва кўкламда гўштни бир-икки кун сақлаш учун устига хом сут қўйинг (гўшт батамом ботиб турсин).

ГЎШТ ҲАҚИДА

— Хом гўштни сопол ёки эмал қопланган идишга солиб, устига қоғоз ёки дока ёпиб, сўнг совуққа қўйинг.

— Қиймада микроблар тез кўпайиши сабабли уни ишлатиш олдидагина тайёрланг.

— Янги сўйилган гўшда, ҳам микроблар жуда кўп бўлади. Шунинг учун хом гўшт озиқ-овқатларга тегиб турмасин.

— Парранда пати бўйнидан

ТУЗНИНГ ФОЙДАСИ

— Ҳўл ўтин тезроқ алангала-ниши учун керосин ўрнига бир чимдим йирик туз сепиш kifоф.

— Қайноқ намакобга 2-3 соат ботириб қўйилган супурги син-майди.

— Бир чимдим туз солинса, тухум оқи тез кўпиради.

— Шиша идишлар шўр сувда ювилса, совуқ сувга чайилса ти-ниқ ва ялтироқ бўлиб қолади

БУҒДОЙ

— Буғдой уни юзни доғдан то-залайди. Буғдой уни ва крахма-ли, айниқса заъфарон билан иш-

латилганда сепкилга доридир.

— Янги буғдойдан тайёрлан-ган нон тез семиртиради. Туз ва сув билан аралаштирилган нонни темирткига суртилса, фойда қилади.

— Эланмаган ундан қилинган нон ични юмшатади. Тоза, оқ ундан қилинган нон эса ични қотиради. Оширилган нон юмша-тувчи бўлиб, патир нон ични қоти-рувчидир.

— Нон тоза, тузли, хамири яхши ишланган, оширилган ва тандирда яхши пиширилган бў-лиши ва бир неча тўхтатиб ёйили-ши керак. Иссиқ нонни киши та-биати яхши қабул этса-да, уни иссиқ ҳолида ейиш яхши эмас.

АРПА

— Унинг суви кўкрак аъзола-рига фойда қилади: гар уни арпа-бодием уруғи билан қўшилса, сутни кўпайтиради.

— Арпа талқони ва талқон-нинг пиширилгани ични тўхта-тади. Арпа ҳалими сийдикни юриштиради.

— Агар ўткир сирка билан пи-шириб, яраланган кўтирга қўйиб боғланса, уни тuzатади.

БАВОСИЛНИ ДАВОЛАЙДИ

«АЗИЯ»нинг ёзишчи, Узоқ Шарқда Чин мамлакатиде тикилган ажойиб калта иштон (трус) сотувга чиқарилган. Бор-йўғи 84 рубл бўлган бу калта иштонни кийиб ётган киши бавосилдан шифо то-пиб, СПИДга чидамли бўлиб қолар экан. Алам қиладигани, бизда бу савилнинг оддийси — даволамайдигани салкам юз сўм туради.

ДОҲИЙНИ НОВИЧЕНКО ҚУТҚАРГАН

Шимолий Куриянинг доҳийси Ким Ир Сен 1947 йилнинг 1 мартда доҳзал олди-да навбатдаги нутқини ирод этаётганда кимдир у томонга граната улоқтирган. Сал нарида турган Шўро зобити ўртоқ Новиченко гранатани олиб олган ва гавдаси билан ёпган. Натижа: Курия про-летариатининг доҳийси тирик, ўртоқ Но-виченко эса оёқсиз қолган. («КП»).

ШАКАР ТАЙЕРЛАШНИ ЎРГАТАРМИШ

Чувашистонлик Елина исмли хоним га-зит эълонини ўқиб қолди: «Мўмай пул аъзига уйда шакар тайёрлашни ўргата-ман». Хат ёзди ва почтадан келган банде-ролни 30 рубл тўлаб олди. Очиб қараса, «Сельская жизнь» газитининг бир парча-си: «Шакарни рўзгор шаронтида тайёр-лаб бўлмайди». Аёл «ўргатувчи»ни суд-га бермоқчи. («Известия»).

ТЎППОНЧА ОЛИНГ

СНГ мамлакатларида яқин-орада бо-зорга газли тўппонча сотувга чиқса ке-рак. Баҳоси ўртача 10-11 минг сўм. У ана шу тоифадаги ҳоржик тўппон-чаларидан шуниси билан фарқ қиладики, ишончли, мустаҳкам тўппонча милиция-га қаршли илмий текшириш институ-тиларидан бирида тайёрланган. («М.Э»)

«ИСТАМБУЛГА ҲАЙДА!»

Актюбинскда йўловчилардан бири троллейбус ҳайдовчига тўппонча ўқ-талиб: «Истамбулга Ҳайда!» деб ўда-ғайлади. Уни қўлга олган милиция хо-дилларининг боши қотган: Қозоғистон-дан Туркияга троллейбус билан бориб бўлмасди-ку? («М—Э»)

ЭЪЛОНЛАР

28 ЕШДА

Турмушга чиқмаганман. Ешим 28 да. Касбим— муаллималик. Болаларни жудаям севаман. Қашқадарё вилоятида яшайман. Аёл киши кўрби етадиган барча ишларининг уйдасидан чиқа-ман. Еши 30—33 лар орали-ғидаги вафодор, оилам дей-диган йигит билан ҳаётимни боғламоқчиман. «Оила-68» хатларингизни кутади.

27-ЕШДА

Қарши шаҳрида яшайман. Ешим 27 да. Муаллимман. Ўқишни ҳамма нарсадан ус-тун қўйиб, турмушга чиқма-ганман. Оила бахти энг ши-рин бахт эканлигини энди тушуниб етдим. Еши 32 дан ошмаган, зарарли одатлари бўлмаган, олий маълумотли йигитни бахтли қилиш нияти-даман. «Оила—67» га мак-туб йўлланг.

53 ЕШДА

Хотини вафот этган, фар-зандларининг барчаси уй-жойли, Косон туманида яшовчи ёлғиз ўқитувчи 40-50 ёшлар атрофидаги рўз-гор ишларига ўқувли аёл би-лан оила қўриш истагиде. 20 сотих ерли, 4 хонали ши-нам ўйли ҳовлиси, сигири ва 20 қўйи бор. Оиласининг тинчини, тўқислигини ўйлай-диган меҳрибон, болақон, уйдабурон ва ўқимшли ин-сон. Уни фақат ёлғизлик қий-намоқда. «Оила—70» га ёзинг.

34 ЕШДА

Ешим 34 да. Бўйим 170 см, вазним 60 кг, миллатим ўз-бек. Маълумотим ўрта. Ешим ўтиб борган сари ёлғизлик мени ўйлатиб қўймоқда. Ич-майман, чекмайман, маҳалла кўйда ўзимга яраша обрў-эълитборим бор. Жуда кўн-гилчанман. Ҳали уйланмаган-ман. Ҳаётимга ёруғлик, на-фислик олиб кирувчи ақлли, иболи, саранжом-саришта

ўзбек ёки тожик қизи билан турмуш қўриб, тинч-хотир-жам яшаб ўтсам дейман. Тошкент шаҳрида шахсий уйим бор. «Оила—71» хат-ларингизни кутади.

30 ЕШДА

Касбим шифокор, ёшим 30 да. Урганч шаҳрида яшай-ман. Бундан 6 йил олдин турмуш ўртоғим фожеали ҳалок бўлган, шундан буён ёлғиз яшаб келаялман. Қиз-чам 6 га кирди. 2 хонали шах-сий уйим бор. Ниятим, Тош-кент шаҳри ёки вилоятида яшовчи, уйим-жойим, дейди-ган оилапарвар инсонга тур-мушга чиқши. Чунки, қарин-дошларим Тошкентда тур-ишади. «Оила—72» мактуб-ларингизни кутади.

27 ЕШДА

27 ёшдаман. Бўйим 164 см, қора кўз, қора соч қизман. Маълумотим — тугалланма-ган олий. Тошкент шаҳрида тураман, турмушга чиққанам йўқ. Мен ҳам оилани бўлиб,

бахтли ҳаёт кечирсам дей-ман. Ниятим — келишган, ақлли, ўқиган, вафодор йи-гитга турмушга чиқмоқчи-ман. Аёл кишининг қўлидан келадиган барча: ишларни қила оламан. «Оила—73» мактубларингизга мўнтазир.

26 ЕШДА

1966 йилда туғилган кам-тарин, тортинчоқ, истараси иссиқ, ёқимтой, илгари уй-ланиб ажрашган қашқадарё-лик йигит ёши ўзига мос, рўз-гор ишларини жойига қўяди-ган (илгари турмушга чиққан, битта боласи бўлса ҳам май-ли) ўзбек қизи билан оила қўриб, бола-чақали бўлиш, уларнинг роҳатини кўриш умидида. Уй шароити бекаму кўст. Мол-ҳол асрашни яхши кўради. Яқинда операция бўлганлиги сабабли ҳозирча ишламайди. «Оила—74» га ёзинг.

«ОИЛА—43» КУТМОҚДА

«Оила—43» га, яъни са-марқандлик йигитга мактуб йўллаган Чинозлик хоним ўзининг яшаш жойини кўр-сатмаганлиги сабабли Самар-қанддан келган йигит у би-ла учрашолмади. «Оила—43» нинг эгаси ўзига хат ёзган Чинозлик хоним би-лан учрашишни жудаям хо-ҳлайди. Насиб этса юлдузла-ри юлдузларига мос келса, шу йил оила қўриш ниятида.

ТАБРИКЛАЙМАН!

Укам Рашидҷон! Ту-ғилган кунинг қутлуғ бўлсин. Сенга бахти-ёр кунлар ва ёруғ хаёллар тилайман. Опанг Марҳабо. Ко-сон шахри.

30(48) «Оила ва жамият»

АСАДУЛЛО ЖҶРАЕВ

ТОНГДА УЙҶОТГАНИ

Тингланг: шоир Сизга юрагини очаяпти! Сиз бўлса бу шеърларни синчиклаб ўқиб чиқинг-да, қўлингизни очинг: дуо қилинг — умри узоқ бўлсин шу йигитнинг...

Бу сатрларни Асадулло 21 июн куни ёзган эди. 22 июнда эса...
Тошкентнинг Хадра май-

донда нотаниш кимсалар унга оғир тан жароҳати етказишди. Ҳозир касалхонада. Жафокаш отаси, меҳрибон волидаси ва суюкли маҳбубаси бошида. Қўйида ўзинг шеърларини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз. Шояд, бемор руҳига қувват бўлса...

КЕЛАМАН СЕНИ

ТОНГГИ САЛОМ БИЛАН
КЕЛДИМ ҚОШИНГА.
А. ФЕТ

Тонгда уйғотгани келаман сени,
Деразанг тагида шитирлар хазон.
Тинглар дарахтларда сахархез қушлар,
Шул ёзиқсиз қушлар айтишар азон.

Тонгда уйғотгани келаман сени,
Мақсадим руҳингга бир камол, илло.
Хуррак ва уятчан нигоҳим менинг
Чехраи мақсудга тушди, бисмилло...

Тонгда уйғотгани келаман сени,
Туйиб эҳтироснинг аччиқ бир таъмин.
Боққин: ана кўннинг фаришталари
Елғиз умидимга айтурлар: омин...

* * *

Эрта ҳали ёмғир ёғади,
Гумбурлайди момақалдирок.
Сени тонгда кўтиб ётаман,
Уйғотгани келмайсан, бироқ.

Деразанинг тагида ўрик,
Ошиқ каби турар шалаббо.
Мен тўшақда ҳушсиз ётарман,
Ундан гулнинг бўйи келар, о!..

Чирқиллайди қушча сахардан,
У ҳам балки мендек беором.
Кел, миттижон қошимга келгин,
Дардлашайлик, елғизмиз мудом.

«Сохи...» дейман-чиқмас овозим,
Нима бўлди, қайдан бу титроқ!..
Тўни бўйи уйғоқ ётаман,
Уйғотгани келмайсан, бироқ...

Кўзларим кўрликни ўргатди менга,
Манглайим шўрликни ўргатди менга,
Юрагим ҳурликни ўргатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Давронлар шамолни менгзатди менга,
Шамоллар хору хас иргатди менга,
Шайтонлар бирки базм безатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Дил дўзах йўлини кўрсатди менга,
Жон ужмоҳ эшигин излатди менга,
Таң бало тоғини юзлатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Гумроҳлар айтдилар: ўргатгувчимиз,

Ўзингни ўзингга ўрнатгувчимиз,
Кўзингни қошингга ўргатгувчимиз...
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Хазоний боғларга келдим уриб бош,
Харсанглар бағрига кирдим бўлиб тош,
Мен дунё дарсига беролмадим дош,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.


Қаргалар сайрашни ўргатди менга,
Бақалар сакрашни ўргатди менга,
Мушуклар савашни ўргатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

* * *

ДИЛ АЙТАР...

Дил айтар: Ишқу йўқ тақдирда тамойил ўзга.
Дунё айтар: Замона шеваси, шамойил ўзга.
Дил айтар: Банду банд зулфига бандиман, банди.
Дунё айтар: Даҳрийлар бўйида даҳр каманди.
Дил айтар: Оташки, камандинг ваҳмидан халос.
Дунё айтар: Одамий занжирга эрур ихтисос.
Дил айтар: Кўкларга ўрлагум куйга эшилиб.
Дунё айтар: Найрангбоз бўлурсан элга қўшилиб.
Дил айтар: Покликка элтгуси ишқ ичра хоклик.
Дунё айтар: Қурбақа балчиқдан изламас поклик.
Дил айтар: Ақлу ҳуш ҳукми-ла қилмам мурса.

Дунё айтар: Расолар телба деб қилгай хулоса.
Дил айтар: Девона кезинмоқ муродим, билгин.
Дунё айтар: Жунунлар даштига бўлурсан қувгин.
Дил айтар: Бахтимдир ишқ ҳаққи кечсам дунёдан.
Дунё айтар: Жон тўнин астари ранжу риедан.
Дил айтар: Тириклик титроғи вужудга жоиз.
Дунё айтар: Вужуднинг қошида қолурсан ожиз.
Дил айтар: Вужуднинг феълдан бўғзимда наъра.
Дунё айтар: Вужуддан тикладим сенга мақбара.
Дил айтар: Оҳи чарх дастингдан, бидғатинг битмас.
Дунё айтар: Бидғатим дафғига қудратинг етмас.



Абдувоҳид ҲАЙИТ —
1967 йили Яккабоғ туманида туғилган. Айни пайтда ТошДД журналистика куллитетининг кундузги бўлимида таҳсил олиш билан бирга «Эрк» ҳафталигида ишлайди. Уйланмаган.

ЎФИЛ СУЙИШ

Ҳусанжонимга



Рустам МУСУРМОН —
1963 йилда Қашқадарё воҳасининг Кифти об туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат Дорилфунуни аспиранти. Икки фарзанд — Фотима ва Ҳусанларнинг отаси.

Бии-ир, ик-ки,... бешаа-йаққ,
Ўр-ма-лай-ди бешаа-йаққ.
Тўрт-та-йаққа эшаа-йаққ,
Бешаа-йаққа пешаа-йаққ.
Ҳа, тоо-ой-той!
Ҳа, тоо-ой-той!
— чўлп —
Аа-аҳ, чўччоғидан!..

Томи-ру-қоо-ним юрувв-чи,
Су-йаа-гим-ди сурувв-чи.
Ми-ноо-ра гумм-баз-гумм-баз
И-моо-рат-лар қурувв-чи.
Ҳа, тоо-ой-той!
Ҳа, тоо-ой-той!
— чўлп —
Аа-аҳ, чўччоғидан!..

Бии-ир, ик-ки, учоо-ғи —
Ўғии-ил-чам-динг чў-чоо-ғи —
Бўлиқ бўлсин, мўл бўл-син
Арпа-бўғдой бошоо-ғи.
Ҳа, тоо-ой-той!
Ҳа, тоо-ой-той!
— чўлп —
Аа-аҳ, чўччоғидан!..

ИРСОЛИ МАСАЛ ЁҲУД ЕЧИМИ МУШКУЛ ЧИСТОН

Умримдан зерикдим, жонгинам ҳалак,
Мен узоқ сафарга чиқмоғим керак.

Сафарнинг кўксига бош қўйиб йўлак
Узоқ эркаланди беҳол ағанаб.
Йўл соч оқартганди сафарни тилаб,
Сафар қартайганди Йўлни соғиниб.
Манзил бино бўлди сўнгга кўп ўтмай —
Фарзанд ато этди уларга Худо
Энди каминани беҳуда тутманг,
Манзил чорлаётир, кетдим,

АЛВИДО!..

Чистоннинг ечими: (Сафар — менинг орзум,
манзил эса — эрк,

Йўл — ўша орзуга етмаган қўлим.
Мен учун доимо ҳамма томон берк,
Токи вужудимни қўрқитар ўлим.

Умрим — зиндон эрур, мен унда маҳбус,
Жоним — дидбон, итдай қўрир зиндонни.
Назорат қилсангиз ҳам мени махсус
Ўлдириб қочаман қўрқоқ дидбонни)...

«НУР АНВАР БАНК»

СИЗНИ КУТАДИ



Анвар Тилланазаровнинг номи фақатгина республикамизда эмас, чет элларда ҳам машҳур. У ташкил этган ва ҳозир бошчилик қилаётган «Нур Анвар банк» халқаро банклар каталогига аъзо.

Анвар ака мутахассислиги бўйича юрист. Ҳозир Ўзбекистон ишбилармонларининг бошқони.

СССРнинг, умуман, социалистик тузумнинг инқирозга учраши натижасида узоқ йиллар мобайнида шаклланиб келаётган иқтисодий алоқаларга ҳам дарз кетди. Халқлар ва давлатлар орасида ҳам ўзаро низолар юзага

келди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, нарх-навоининг кескин ошиши, пулнинг қадрсизланиши аҳолининг турмушини қийин аҳволга солиб қўйди.

Бундай оғир вазиятдан қандай қилиб эсон-омон чиқиш

олиш мумкин деган савол туғилиши табиий.

Тарихдан, шунингдек, ривожланган давлатлар ҳаётидан маълумки, тараққиётнинг ишончли йўли хусусий мулкчилик ва ишбилармонлик фаолиятига кенг йўл очилди.

Хусусий мулкчилик ва ишбилармонлик асрлар оша тараққиётнинг асоси бўлиб келган ва ўйламанки, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Коммунистик ғоя ва коммунистлар бошлиқ тузумнинг емирилишига ҳам узоқ йиллар давомида ишбилармон кишиларнинг қувғин қилиниши сабаб бўлди. Бундай, узоқни кўра билмаслик оқибатида миллионлаб ишнинг кўзини биладиган, ақлли одамлар ўз Ватанини ташлаб, бегона юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Мана, Республикаимизнинг мустақил бўлганига ҳам бир йил бўляпти. Мустақилликнинг эълон қилиниши кўплаб хайрли ишларнинг амалга ошишига туртки бўлди. Айниқса, ишбилармонлик фаолиятига кенг йўл очилди. Одамлар эркин иш юрита бошладилар. Бундан шундан ҳам билса бўладики, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўн мингга яқин одам ишбилармонлик фаолияти билан кенг шуғулланиб, ўзларининг хусусий корхона, фирма ва банкларини очмоқдалар.

1985 йилда меннинг ташаббусим билан очилган «Нур Анвар банк» тижорат банки ҳам шулар сирасига қиради. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, банкнинг очилиши шунчаки амалга ошгани йўқ. Ҳар хил таъқиб тазйиқлар бўл-

ди. Яхшиларсиз ҳаёт йўқ деганларидек, фақат яхшиларнинг ёрдами билан ниятимиз амалга ошди. Бироқ шундай бўлса-да, ҳозирга қадар изимни пойлайдиганлар, қилдан қийиқ қидирувчилар бор. Бундай ноҳужа хатти-ҳаракатларга қарамасдан «Нур Анвар банк» кўплаб ташкилотларга, фуқароларга хизмат кўрсатиб келмоқда ва бу билан Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда. У айниқса ҳомийлик фаолияти билан омма орасида шўхрат қозонди. Банк Республика ишбилармонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ассоциациясига, шахмат бўйича Ўзбекистон терма командасига, Ташқи иқтисодий алоқалар ва ишбилармонлик институтига ҳомийлик қилмоқда.

«Нур Анвар банк» хайрия ишларига ҳам керагича маблағ сарфламоқда. «Наврўз» хайрия телемарафонига 1 миллион сўм, ҳажга борувчи 120 кишига 10 миллионлаб ёрдам пули ҳада қилди. Хозирги кунда фўтбол бўйича олимпиада терма командаси ва «Пахтакор-79» командаларининг моддий таъминоти ўз зиммасига олган.

Яқинда банк ёнида омонат касса иш бошлади. Мақсад фуқароларга жамғармасини сақлашда ҳолис хизмат қилиш. Кассага пулини қўйган одам уч йил мобайнида тушган фойданинг нақд 90 фоизини олади.

Анвар ТИЛЛАНАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси ишбилармонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ассоциацияси марказий кенгашининг раиси.

«БАЛИҚ БОШИДАН...»

Милиция майори Анвар СУЛАЙМОНХУҲАЕВ-ИИВ Давлат автомобиль нazorати бошқармасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи.

— Анвар ака, фан-техника асрида яшашнинг, узоғимиз яқини, оғиримиз энгил бўлди, деб мақтанганимиз мақтанган. Лекин ана шу «телба» тараққиётдан орттираётган кулфатларимиз ҳам оз бўлмас керак!

— Сўзсиз. Мен ўз соҳамдан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳолатлари ҳақида аниқ рақамлар билан гапирадиган бўлсам, унча-мунча одамнинг асаблари бардош беролмайди. Масалан, ўтган йили жумҳуриятимиз автойўлларида 18267 марта фалокат содир бўлиб, натижада 3188 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 19740 нафари шикастланди. Энг ачинарлиси, бу фалокатларнинг 5612 таси болалар иштирокида юз берди, 750 нафар норасида нобуд бўлди ва 500 дан ортиги тан жароҳати олди. Бу ерда «тан жароҳати» деб куруққина санаб ўтаётган бўлсакда, унинг замирида ўлимдан баттар аниқ ҳақиқат ётибди: ўша шикастланганларнинг қарийб саксон-тўқсон фоизи бир умрга майиб мажруҳ бўлиб қолиш-

ган, мустақил яшашдан, ўқишдан ишлашдан мажрум, бир сўз билан айтганда «ортиқча одамлар».

— Бу кўргуликларнинг асосий сабаби нимада! Наҳотки, одамлар йўл-ҳаракати қоидаларидан буткул беҳабар!

— Йўл-ҳаракати қоидалари катта билим, чуқур тафаккур талаб қиладиган мураккаб фан эмас. Рўй-рост айтиш мумкинки, ундан ҳамма ҳам озми-кўпми хабардор, аммо йўл-ҳаракати қоидаларини билишдан кўра, амал қилишнинг талаб этади. Амал қилиш учун эса одамлар бир қадар тарбияли ва маданиятли бўлишлари керак...

— Йўғ-э... бу ерда маданиятнинг нима даҳли бор...!

— Ажабланишга ҳожат йўқ. Хайдовчилар ва йўловчилар ўртасида бир-бирига ҳурмат, салимийат ҳислари бўлмаса фалокатларга асло чек қўйиш мумкин эмас. Мендан кўра сиз яхшироқ тушунасиз, юқорида саналган сифатлар фақатгина маданиятли шахсларда бўлади.

Биз эса нуқул тескарисини учратамиз кўпинча. Хайдовчиларнинг калондимоғлиги, мақтанчоқ ва ўзбошимча-лиги ҳеч бир таърифга сиймайди. Бир-бирига йўл беришдан ор қилишади, серкатнов кўчаларда кўюндай учушади. Шунинг учун ҳам бир кунда жумҳуриятимиз бўйича 50-60 дан зиёд йўл-ҳаракати фалокатлари юз бермоқда!

— Ўша маданиятсизликларнинг илдиз нимага бориб тақалади, деб ўйлайсиз!

— «Қуш уясида кўрганини қиладди», «Балиқ бошидан сасийди» деган ҳикматли нақллар бор халқимизда. Биз боя болалар нобуд бўлаётгани ҳақида гапирдик. Агар моҳиятдан ёндошсак, уларнинг ўлимига бош сабабчи ота-оналардир. Шахсан ўзим боласининг қўлидан етаклаб серкатнов йўлининг таъқиқланган жойидан ўтаётган «қаҳрамон» ота-оналарни кўплаб учратганман. «Нега қондани бузаяпсиз!» деб сўрасак, «шошиб тургандим» қабилда жавоб беришдан нарига ўтишмайди. Хўш,

қаёққа шошилишадим, ўлимгами?... Еки, боласини ёнига ўтказиб олиб, йўл чироқларини назар-писанд қилмай керибли автоулов бошқарадиган «паханлар» ҳар қадарда учрайди. Демак, ўз фарзандларини ҳам шунга ўргатишадилар. Оиладаги бундай «ажойиб» тарбиянинг кам-кўстини ҳар хил олди-қонди фильмлар тўлғаётгани сир эмас. Ур-йиқит, қува-қув киноларни эҳтирос билан томоша қилиб кўчага чиққан болалар ногў «тарзан», «нин-за», «коммандос» бўлгиси келиб қолади... Биз яқинда Мовароуннаҳр мусулмонлари муфтиси—Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан учрашиб йўлларда юз бераётган фалокатлар ва уларнинг олдини олиш хусусида анча суҳбатлашдик. Шу мароқли гурунгдан сўнг, шунингдек, хийла вақт ҳаётини кузатишларим натижасида шундай қарорга келдимки, чин ислолий тарбияга бизларни кулфатлардан фориг қилиши мумкин ҳолос.

Лўқмон БҲРИЕВ
суҳбат қурди.

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР

ҲАЙЪАТИ:
Кулман ОЧИЛ

Жуманазар
БЕКНАЗАР

Дадахон
ЕҒУБОВ

Муҳаббат
ИБОДОВА

Юсуф ЗИЁД

(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Тўлқин ҲАЙИТ

(масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр

ЭГАМБЕРДИЕВ

Қувондиқ

БЕРДИЕРОВ

Мейли

ИҶДОШЕВ

Рўзимат

САФОЕВ

Абсалом

УСАНОВ

Баходир

ЭШОНХОНОВ

Урол

УЗБЕК

Тахририят

келган хатларга

ёзма жавоб

қайтармайди.

Шунингдек,

фуқаролар

билан

ташкilotлар

ўртасида

воситачилик

ҳам қилмайди.

Газетамиздан

олинган

маълумотлар

«Оила ва

жамият»дан

деб кўрсатилиши

шарт.

Газетамиз

ҳомийлари —

Тошкентдаги

«СЭВИЖ»

тижорат жамияти,

Ғаллаорол

туманидаги

«Ғаллаорол»,

Муборак

туманидаги

Хитой давлат

хўжалиғи,

Намангандаги

«Тўқимачи»

маданият

саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,

Тошкент — 29

Навоийшлар

хейбони,

1-бино.

Телефон:

39—43—95

Обуна

индекси 64654

Буюртма 42

Ўзбекистон

Республикаси

«ШАРҚ»

нашриёт —

матбаачилик

концерни

Тошкент шаҳри

1 2 3 4 5 6

7 8 9 10 11 12

НАРГИЗА БОЙХОНОВА:

«ЯЛЛА»НИ ҲАЛИ ҲАМ ЯХШИ КЎРАМАН

«Ялла» ансамблининг собиқ хонандаси Наргиза Бойхоновани топиш осон бўлмади. Унга сиз қоқаман — йўқ. Иш жойига бораман — йўқ. Ахйри...



— Изимдан қаттиқ тушдингизда, — деди Наргиза опа жилмайиб, радио ҳовлисидаги ўриндиққа ўтирарканмиз. — Тўғриси, кўнгириқларингизга атайин жавоб бермаган пайтларим ҳам бўлди. Қайсар экансиз.

— Тақдирингиз, ҳозир нималар билан банд эканлигингиздан мухлислар бохабар бўлса — бунинг нимаси ёмон?

— Мени тўғри тушунинг: ўзимни аллақачон ҳамма унутган, ҳаёти абгор бўлган шахс ўрнида кўришга кўникиб қолгандим. Деярли ўн беш йил мобайнида мен билан қизиқсиниб, хол-ахвол сўраб келган ёлғиз сиз бўлдингиз, десам балки ишонмасиз?

— Ярангизга туз сепганлигим учун узр. Келинг, ҳар ҳолда ҳаммасини бир бошдан бошлайлик. «Ялла» да қандай пайдо бўлиб қолдингиз ўзи!

— Ота-онам қаттиқ тури-

шига қарамай, 1968 йили Тошкентга, консерваторияга келдим. Аввал вокал, сўнг хор бўлимларида таҳсил олдим. Эстрадага ҳам жуда қизиқардим, турли тилларда — ҳиндча, инглизча, италянча, грекча кўшиқлар айттардим. 1973 йили консерваторияни тугатиб, филармония қошидаги хор жамоасига ишга кирдим. У ердаги қизлар «биноидек овозинг бор, бахтингни қўлдан берма, эстрадага ўт», дея маслаҳат беришди. Иттифоқо, «Ялла» ансамбли ҳам шу филармония қошида шугулланарди. Уларга кимдир айтган бўлса керак, машғулотлардан бирига кириб, кўшиқларимни тинглашди. Кейин ансамблга тақлиф этишди. Орадан уч-тўрт кун ўтмай, Самарқандга, гастролга жўнаб кетдик.

— Сиз келган пайт «Ялла» да кимлар бор эди!

— Евгений Ширяев ба-

дий раҳбар, Фаррух Зокиров, Шахбоз Низомиддинов, Баҳодир Жўраев, Асқар Фатхуллин, Эдуард Мендельсонлар ансамбль иштирокчилари эди.

— Хордан бирдангиз эстрадага ўтиш қийин бўлмади-ми!

— Унчалик қийналганим йўқ. Чунки авваллари ҳам эстрадан яхши кўрардим. «Ялла»га дастлаб келган пайтларим ўша йилларда машҳур бўлган ҳиндча ашулалар, «Абба», Том Жонс кўшиқларини айтиб юрдим. Кейин бошқа кўшиқлар пайдо бўлди: «Ким ўзи», «Навбахор», «Сен бўлмасанг ёнимда».

— Сўнгги кўшигингиз менга жуда ёқади. Муаллифлари ким!

— Матн Насрулла Сабрийники, Фаррух Зокиров унга куй басталаган. Радиого ёзиб олинган икки-уч кўшигиндан бири шу.

— «Ялла»га қабул қилиндингиз. Сафарлар, концертлар... Ота-онангиз, яқинларингиз бўлса узоқда (Наргиза опа асли наманганлик). Қийин бўлмадими!

— Жуда қийналганман. Сафарларда кўп юрардим. «Ялла» билан Иттифоқда бормаган жойимиз қолмаган. Чет элларда — Германия, Венгрия, Болгарияда ҳам бўлганман.

1976 йили ансамблга Фаррух Зокиров бадий раҳбар этиб тайинланди, бу пайт мен у кишининг турмуш ўртоғи эдим. Кўп ўтмай ўғлимиз Саиджон туғилди. Унинг тарбияси билан бўлиб, аста-секин сахнадан қола бошладим. Тўғриси, сахнага қайта чиқишимни унчалик хоҳлашмаётганди ҳам. Жамиятдаги санъаткор тақдирига бўлган бефарқлик, оилада ҳам шу руҳининг ҳукмрон бўлиши... Хуллас, мана шу сабабларнинг барчаси фаолиятимни давом эттиришимга тўсқин бўлди.

— Бошқа жамоаларга тақлиф этишмадими!

— Йўқ. Айтдим-ку ҳамма мени унутган эди деб! Қийналиб кетдим. Асабийлашадиган бўлиб қолдим. Охири турмушимиз ҳам бўлмади...

— Кейин қаерда ишладингиз!

— 1980 йилдан 1989 йилгача — деярли ўн йил ҳеч қаерда ишламадим. Ўғлимга қарадим. Замон оғирлашгача, барибир ишга киришга мажбур бўлдим. Қўлимдан нима келади ашула айтишдан бўлак! Радионинг хор жамоасига қабул қилишди. Уч йилдан бери шу ерда ишлаб келаяман.

— Ўзларингиз эрта-индин мактабин тугатар экан. Нималарга қизиқяпти, ким бўлмоқчи!

— Компютерларга ҳаваси беканд, тил ўрганишга ҳам иктидори бор. Касб борасида ҳали бир тўхтамга келгани йўқ.

— Унга нисбатан жуда кўнглидан бўлсангиз керак! Нима қилса ҳам ёлғиз фарзанд...

— Аксинча, иложи борица қаттиққўллик билан ёндошишга ҳаракат қиламан. Бирор нарсада ноҳақ бўлса, унинг ёнини эмас, ҳақ томонни олишга интиламан. Баъзан жаҳли чиққандан «ойи, ҳаётда ундай эмас-ку» деб зарда қилиб қолади. Биламан, ҳаётда унга қийин бўлади. Лекин нима қилай, ўзимга ҳам шундай тарбия беришганда!

— Хафа бўлманг-ку, суҳбатимиз давомида «Наргиза Бойхонова кўшиқчилик фаолиятдан, умуман ҳаётдан кўнгли тўлмаганга ўхшайди» деган ўй ҳаёлимдан кетмади.

— Тўғри ўйласиз. Утган умримга ачинаман. Мактабда яхши ўқирдим, мендан тузукинча муаллима чиқиши мумкин эди. Афсус...

Санъат йўлига кирган одамда шиддат, жаҳд бўлиши керак экан. Менда шу нарса етишмади. Табиатан бўшлигим, юмшоқ кўнглимга аро йўлда қолиб кетдим.

— Бу фикрингизга қўшилмайман. Нима бўлса ҳам ўзбек эстрадасида Наргиза Бойхонованинг ўз ўрни бор!

— Қайдам...

— Ҳозирги ўзбек кўшиқчилик санъатига қандай баҳо берасиз! Хонандалардан кимлар кўнглингизга яқин!

— Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмоноваларни ҳурмат қиламан. Уларда мен айтган шиддат, интилиш бор. «Ялла» ни ҳали ҳам яхши кўраман. Яна узоқ йиллар макеини йўқотмаслигини истаيمان. Ҳатто биринчи қалдирғочлари уни тарк этганда ҳам...

Азиз АБДУВАЛИ
суҳбатлашди

Хат

САВОБУ ГУНОҲ НИМА!

Бу воқеага уч-тўрт йил бўлиб қолди.

Ушанда август ойининг охири эди. Кун бўйи одамзор бўлган бозор сийраклашиб қолган. Қоронғу тушмасдан уйга етиб олай, деб шошиб кетаётган эдим. Бир пайт... рестаалар орасида, тутаётган чиндини узун чўп билан титаётган момога кўзим тушди. Ҳаёлимга ҳар хил фикрлар кела бошлади. Балки, очликдан... Йўғ-е, балки, пул-мулини йўқотгандир. Мана шунча «балки»лар орасида бироз эсанкирадим. Кейин, ўсмирларга хос бўлган қизиқиш мени унинг олдига боришга, оддий пиёз пучоқларини нима қилишини сўрашга ундади.

Ҳайронликдан берган саволимга у жеркибсимон:

— Сен-ёшлар увол-савобни билармидинглар, — деб жавоб берди.

— Қариялар ўргатмаса, ўша увол-савобни ёшлар қаердан билсин; — дедим жаъовбига-яраша.

Унинг тунд чеҳраси бироз ўзгарди, ҳиёл жилмайгандай бўлди. Кейин:

— Мендан хапа бўма, болам. Буларни, — деди у этагидаги пиёз пучоқларини кўрсатиб, — оловга ташлаш азал-абад энг катта гуноҳ бўлган. Буни фақат ёшлар эмас, ёши бир жойга бориб

қолганлар ҳам «билмайди-ган» — бўлиб қолган, — деди ва сал нарироқда чиқиндиларни тўдалаб ёқиб юрган фаррош холага норозилик билан қараб қўйди.

Шундай ривоят бор: Эмишки, бир аёл, катта давраларда рақс тушиб, гуноҳга ботибди. Бир куни рақс ташаётганда, этагининг шамоли оловга тушаётган пиёз пучоқларини четроққа учкириб юборибди. Ва шу савоб иши учун Худо унинг барча гуноҳларини кечирган экан...

Демак бу шундай савобки, энг катта гуноҳлар билан беллаша оладиган...

Ҳар доим бозор оралаганимда ўша воқеа ва момонинг ўша ривояти ёдимга тушади.

Бектемир ПИРНАФАСОВ.
Навоий вилояти

УЧ

МИЛЛИОНЛИК

КЕЛИН

Туркменистоннинг Мари шаҳрида бўлганимда келинларга тўланадиган қалин миқдорини эшитиб ҳайрон қолдим. Ҳатто «ВОЛГА» автомашинаси нархида баҳоладиган келинлар бор.

Шоми Дурдиев деган йигит уйланаётганда 3 миллион, яъни «Мерседес» машинаси, нархида қалин тўланганида гуноҳ бўлганимда эса лол қолдим.

Туркманларда қиз бола туғилиши билан турмушга тайёрлаб, тарбиялаб келинар экан. Бўй етган қизнинг қўлдан ҳамма нарса келиши: турмушнинг аччиқ-чучуқларини тўғри тушуниши, ширин овқатлар пишира билиши керак. Тикиш-биниш, нон ёпиш, сигир, эчки, от, бия соға олиш лозим экан.

Ҳаммасидан шуниси қизиқки, қалин пулининг ярми тўланган бўлса, тўлиқ тўлагунча қиз отасиникида яшаб турар экан. 5 йиллаб эрига тегмай яшаб келаётган келинлар ҳам бор дейишади.

Келин йиллаб бошига ва оғзига рўмол тутиб, қайнотасига овозини эшиттирмай хонадон хизматини қилиб юраверар экан. Қанча узоқ гапирмаса, эрининг уруғларини шунчалик ҳурмат қилган бўлар экан.

Қизни одатда қариндош уруғлар, яқин таниш-билишлар орасидан излашар, чунки қалин олиш масаласини ҳал қилиш осонроқ бўлар экан.

Шунинг учунми уларда ажралиш кам. 98 фоиз оила турмуш қуриб, тинч-тотув яшамокда. Қиз келин бўлиб келиши билан, рўзгорни бошқариш жавобгарлигини зиммасига олар экан.

М. МАМАЖОНОВ
Андижон



— ЯРАШДИМИ!

Суратчи: А. ТЎРАЕВ